

«Аёл азиз, аёл эъзоздадир!»

Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамининг нишонланишида ҳам ажиб бир рамзий маъно борга ўхшайди. Зеро, баҳор ҳам, аёл ҳам гўзаллик, нафосат ифодасидир.

Аёл борки, олам мунаввар. Аёл борки, хонадонларимиз ҳамиша файзли, саранжон-сариштали. Аёлга қанча таъриф берсак шунча оз. Негаки аёл деганда синглимиз, опамиз, онамиз, азиз ва мўътабар бўлган бувижонларимиз кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида «8-март – Халқаро хотин қизлар куни» муносабати билан «**Аёл азиз, аёл эъзоздадир!**» мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Агентлик бошлиғи В. Исмоилов мунис аёлларимиз ва дилбар қизларимизни ушбу байрам билан муборакбод этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкентдаги «Наврўз» давлат қабуллар уйида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали байрам тадбирида мамлакатимиз аёлларини табриқлар экан «...аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз барчамиз, қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилятлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз», деган эди.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқдир.

– Аёлларни қанча таърифласанг, қанча ардоқласанг шунча кам, – деди Агентлик бошлиғи В.Исмаилов. – Аёл оламни нурафшон этади, деб бежизга айтишмайди. Жамоамиздаги барча аёлларни яқинлашиб келаётган гўзаллик, нафосат ва баҳор айёми билан чин дилдан муборакбод этаман. Баҳорий гўзаллик сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, – деди Агентлик бошлиғи.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати